

У ёкилгиси кўп ўтдир. Улар (кофирлар) унинг атрофида ўтиришибди. Ва улар мўминларга килаётган нарсаларига ўзлари гувоҳдирлар. Ва улар мўминлардан иззатли ва макталган Аллохга бўлган иймондан бошқа «айб» топа олмадилар (Буруж сураси, 5-8-оятлар).

Тафсирчиларимиз бу оятлар тафсирида куйидаги кассани келтирадилар. Имом Ахмад ибн Ханбал Сухайбдан ривоят килади. Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом айтибдилар:

«Сизлардан аввал ўтган умматлардан бирида бир подшоҳ ўтган. Унинг сеҳргари бор экан. Сеҳргар кариганда, подшоҳга:

— Мен қариб, ажалим яқинлашиб қолди, менга бирорта ёш йигитлардан берсангиз, сеҳримни ўргатиб қўйсам, – дебди. Подшоҳ унга бир йигитни берибди ва сеҳргар унга сеҳр ўргата бошлабди. Сеҳргар билан подшоҳ орасида бир роҳиб (диний олим) ҳам бор экан. Йигит ўша роҳибнинг хузурига келиб, унинг сўзларини эшитиб, ажабланибди.

Сеҳргарнинг олдига кеч қолиб борса:

— Нимага кеч қолдинг? – деб урар экан. Уйига кеч қолиб борса, уйдагилар ҳам:

— Нимага кеч қолдинг? – деб урар эканлар. Йигит бу ҳақда роҳибга шикоят қилса, у:

— Сеҳргар урмоқчи бўлса, «Уйимдагилар тутиб қолишди», дегин. Уйингдагилар «Нега кеч қолдинг?» деса, «Сеҳргар тутиб қолди», дегин, – деб ўргатибди.

Кунлардан бирида йигит йўлда кетаётса, улкан, дахшатли бир хайвон қўчани тўсиб, одамларни ўтказмай қўйганини қўрибди. Шунда йигит сеҳргарнинг иши Аллохга мақбулми, роҳибникими – буни биладиган кун қолди, деб ҳаёлидан ўтказибди. Бир тошни олиб:

— Аллохим, агар роҳибнинг иши сенга сеҳргарнинг ишидан кўра маъқулроқ бўлса, мана шу хайвонни ўлдиргин, одамлар ўтиб кетсин, – деб тошни отса, хайвон ўлибди ва одамлар ўтиб кетибди. Бўлган гапни роҳибга айтган экан:

— Эй болам, сен мenden афзалсан, келажакда балоларга гирифтор бўласан, ўшанда менинг сиримни ҳеч кимга айтмагин, – дебди. Йигит кўр, пес ва бошқа дардларни даволайдиган бўлибди. Подшоҳнинг бир дўсти кўр бўлиб қолибди. Йигитга кўп ҳадялар бериб:

— Менга шифо бер, – дебди. Йигит:

— Шифони мен эмас, Аллох беради, агар иймон келтирсанг, дуо қиламан, сенга шифо беради, – дебди. Сўнг у киши кўзи тузалиб, подшоҳнинг олдига бориб, ўтирибди. Подшоҳ ундан:

— Эй Фалончи, кўзингни ким қайтариб берди? – деб сўрабди.

— Роббим, – деб жавоб берибди у. Подшоҳ:

— Менми? – деб савол қилибди. У бўлса:

— Менинг ҳам, сенинг ҳам Роббимиз Аллох, – деб жавоб қилибди. Подшоҳ:

- Мендан ўзга ҳам Роббинг борми? – деб таъкидлаб сўрабди. Дўсти:
- Ха бор, менинг Роббим ҳам, сенинг Роббинг ҳам Аллох, – деб жавоб берибди.
- Сўраб-сўраб, охири йигитни топибди ва унга:
- Эй болам, сеҳринг кучли бўлиб, кўр, пес ва бошка касалларни даволайдиган бўлибсан? – дебди. Йигит:
- Мен ҳеч кимга шифо бермайман, шифони Аллох беради, – деб тушунтирибди. Подшоҳ:
- Менми? – деб сўрабди. Йигит:
- Йўк! – деб жавоб килибди. Подшоҳ:
- Мендан бошка ҳам Роббинг борми? – деб сўрабди. Йигит:
- Менинг ҳам, сенинг ҳам Роббинг Аллох, – деб жавоб берибди. Йигитни азоблаб, охири роҳиб хақидаги маълумотни олишибди. Роҳибни келтириб, «Динингдан кайт», деган экан, кўнмабди. Бошидан арра солиб, арралаб, иккига бўлиб ташлашибди. Сўнг кўр бўлган кишига «Динингдан кайт», дебди. У ҳам кўнмабди, уни ҳам арралаб, иккига бўлиб ташлашибди. Йигитга ҳам «Динингдан кайт», дебди. У ҳам «Йўк», деб жавоб килгач, подшоҳ бир гуруҳ одамларига:
- Йигитни тоғ чўккисига олиб чиқинглар, динидан кайтса кайтди, бўлмаса, чўккидан ташлаб юборинглар, – деб буюрибди. Йигитни чўккига олиб чиқишганда:
- Аллоҳим! Ўзинг билиб, мени булардан кутқаргин, – деб дуо килибди. Тоғ силкиниб, хаммалари чўккидан кулаб, халок бўлишибди. Йигит подшоҳнинг хузурига кайтибди.
- Подшоҳ ундан:
- Шерикларингга нима бўлди? – деб сўрабди. Йигит:
- Аллоҳ мени улардан кутқарди, – деб жавоб берибди. Подшоҳ яна бир гуруҳ одамларга йигитни топшириб:
- Буни денгизга олиб боринглар, диндан кайтса кайтди, бўлмаса, чўктириб юборинглар, – деб буюрибди. Денгизда йигит:
- Аллоҳим, Ўзинг мени булардан кутқаргин, – деб дуо килибди. Подшоҳнинг барча одамлари гарк бўлиб, йигит яна подшоҳнинг олдига борибди.
- Шерикларингга нима бўлди? – деб сўрабди подшоҳ.
- Аллоҳ мени улардан кутқарди, – деб жавоб килибди йигит ва подшоҳга: – Менинг айтганимни килмагунингча мени ўлдира олмайсан, агар айтганимни килсанг, ўлдиришинг мумкин, – дебди. Подшоҳ:
- Гапингни айт, – деб буюрибди. Шунда йигит:
- Хамма одамларни бир жойга тўплайсан, мени дарахт шохига осасан, ўқдонимдан бир ўк оласан, сўнг «Йигитнинг Робби Аллох номи билан», деб, камондан отасан, шундагина мени ўлдиришинг мумкин, – деб ўргатибди. Подшоҳ йигитнинг айтганини килибди, ўкни камонга кўйиб туриб:
- Йигитнинг Робби Аллох номи билан, – деб отган экан, ўк йигитнинг кўксига тегибди. Йигит ўк теккан жойини ушлаб туриб, вафот этибди. Тўпланган одамлар «Йигитнинг Роббига иймон келтирдик!» дейишибди. Подшоҳнинг аъёнлари: «Мана энди сен кўрккан нарса содир бўлди, одамларнинг хаммаси иймонга келди», дейишибди. Шунда подшоҳнинг фармони билан «ухдуд» – чуқурлар казилибди ва оловлар ёкилибди, динидан кайтганларни колдириб, кайтмаганларнинг барчасини оловли чуқурларга ташлашибди. Одамлар ўзини тортиб, оркага ташлаб туришган экан, эмизикли боласи бор бир аёлни ҳам оловга ташлаш учун келтиришибди, у ҳам ўзини олиб кочмокчи бўлган экан, гўдак тилга кириб: «Сабр килинг, онажон, сиз ҳақ йўлдасиз», дебди».
- Бу кассани имом Муслим ва имом Насаийлар ҳам ўз китобларида ривоят килганлар.

Инсоният ўзининг узок тарихи давомида диндорларга карши килинган катагонлар, жабр-зулмлар ва азоб-укубатларни кўрган. Ана ўшалардан баъзилари Куръони Каримнинг баъзи сураларида келтирилган. Ушбу Буруж сурасида ҳам унинг сиёкига мос равишда, киска килиб, «Асхоби ухдуд»нинг киссаси келтирилмокда. Унда кофирлар мўминларни оловга тўлдирилган узун-узун чукурларга ташлаб куйдириб, ўзлари устида томоша килиб турганлиги васф килинмокда. Ушбу оятлар нозил бўлаётган бир пайтда оз сонли мусулмонлар Макка мушрикларининг алвон азобларига дучор бўлаётган эдилар. Ушбу оятлар, албатта, мусулмонлар учун ибрат ва сабр-бардошга даъватдир.

Модомики, кадимдан кофирлар мўминларга тазйик ўтказиб, уларга зулм килиб, азоблаб, камаб, ўлдириб келаётган эканлар, улар бу ишни нима учун килаётганларини ўрганиш керак. Бечора мўминлар нима учун бунчалик азобланадилар? Кофирлар мўминлардан кандай айб топдиларки, уларни бу кадар тазйикка олиб, азоб берадилар? Жумладан, ушбу киссада зикри келаётган кофирлар мўминлардан нима айб топдиларки, уларни ўтга ташлаб, куйдирдилар? Кейинги оят бу саволларга жавоб беради.

Ха, кофирлар доимо мўминлардан уларнинг Аллох таолога бўлган иймонларидан ўзга хеч бир «айб» топа олмаганлар. Аллох таолога бўлган иймон доимо мўминларнинг кофирлар олдидаги «айби» бўлиб келган. Лекин мўминлар иймон келтирган Аллох Азиз сифатига эгадир. Шунинг учун ҳам У Ўз иззати ила мўмин бандаларига ёрдам беради, уларни охир-окибат голиб килади. Бу иш учун мўминлар Ўзи Хамид – макталган бўлмиш Аллох таолога яна хамд – мактов айтадилар.

«Тафсири Хилол»дан